



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 15 март, Чоршанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР СУХТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 50 (10.607)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

● **БУГУН** Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ва Соғлом авлод жамғармаси шаҳар тўта маскани томонидан жазони ўташ жойларидан озод қилинган 57 нафар хотин-қизлар ва уларнинг фарзандлари тиббий куриқдан ўтказилиб, уларга 3 турдаги дори-дармон, кийим-кечак ва гигиена воситалари топширилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлиги билан ўқувчилар ижодиёти марказида уюштирилган фестивал «Камалак-2006» — Миллий анъаналар ва замонавийлик деб номланди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек тумани Йўлдош Охунбоев номи маҳаллада Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, ЈІКА Япония ташкилоти ҳамкорлик дастури доирасида «Гиевандликсиз келажак сари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов тумани «Қорасарой» маҳалласида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

● **КЕЧА** Хамза туманидаги Аҳмадjon Назаров маҳалласида маҳалла посбони тизимида хизмат кўрсатаётганлар учун тушунтириш ишлари ўтказилди.

● **КЕЧА** Миробод тумани «Файзобод», Сергели туманидаги Абдурахмон Жомий маҳаллаларида «Наврўз» шодиёналарига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Сергели тумани «Ешпик» маҳалласида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ташаббусида «Футболмиз келажак» турнири бўйича давра суҳбати уюштирилди.

● **ЯККАСАРОЙ** тумани «Туркистон» маҳалласида туман воёга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди ва унда ўсмир ёшлар тарбияси борасида қилинган ишлар кўриб чиқилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Кичик Дўмбробод» маҳалласида бўлиб ўтган тадбир «Аёлнинг жамиятдаги ўрни» деб номланди ва унда маҳалла фаоллари, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари билан вакиллар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Хашар — элга ярашар

БИНАФШАНИНГ ХУШБЎЙЛАРИ ОБОДОНЛАШТИРИШГА ЧОРЛАЙДИ

ЎЛКАМИЗГА ЯРАБ-ЯШАБ, БУТУН ГЎЗАЛЛИГИНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛГАНЧА ФАСЛЛАР КЕЛИНЧАГИ БАҲОРОЙ ТАШРИФ БУЮРДИ.

Ариқларда сувлар шилдириш, қушларнинг чуғур-чуғури, ялпизларнинг хушбўйларини қўллаш келганидан дарак бериб бутун атрофга ўзининг хушбўйларини таратмоқда. Фасли навбаторда байрамлар байрамларга уланади, умрбоқий, яратиш-яшатиш, кадр-қиммат айёми — Наврўзи олам ҳам эртаиндин эшик қочиб кириб келади. Азал-азалдан халқимиз бундай кунларни ҳаммаёқни саранжомлаб, тоза-озода, покиза ҳолга келтириб, ҳашарлар уюштириб, дараклар, гулу-чеклар экиб, ариқ-зовурларни тозалаб, баҳорий кайфият билан кутиб олганлар.

Халқимизда «Хашар — элга ярашар» деган ибратли нақл бор. Баҳор келиши, она-табиаднинг уйғониши, Бобо қўшнинг заррин нурлари таралиши билан бирдамлик, ҳамжихатлик маскани бўлган маҳаллаларда бу удум тезроқ буй кўрсатади. Маҳалланинг кайвони онахону отахонлари барчани, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кўни-қўшни, яқин-йирокни савоб ишларга бошлайдилар. Қўчат экиб, боғ яратиш, кўчаю йўлакларни супуриш-сидириш, ариқларни тозалаш юмушлари га бош бўладилар.

Гўзал пойтахтимиз жомолига янада чирой бағишлаш, кади-

мий қадриятлар айёми — Наврўзи оламини муносиб кутиб олиш юмушларига ҳамшахарларимиз аллақачон киришиб кетишган. Қайқа қараман каттаю кичикнинг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, теварак-атрофни оралаш ишлари билан машғул эканига кўзингиз тўшади. Олий ўқув юрталари, касб-хўнара коллежлари, лицейлар талабалари, мактаб ўқувчилари ҳам ўқув юрталари худудлари, хибоблар, мактаб шохқўчалари тозалаш, даракларга шакл бериш, оқлаш каби баҳорий юмушларга ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

— Савоб юмушларга бош

қўшиш, даракт экиб боғ яратиш халқимизга хос фазилат, — дейди келинлари ва набиралари даврасида хечрасидан нур ёғилиб турган Шайхонтоҳур туманидаги Хўвайдо маҳалласида яшовчи 70 ёшли онахон Шарифа ая Мухсинова. — Баҳор келиши билан уйимиз атрофидаги кичкинагина боғчамизда ишни бошлаб юборамиз. Гулу райхон, атиргул қўчатларини экиб, даракларга шакл бериб, қуриқларини олиб ташлаймиз. Ариқларни тозалаб, супуриб-сидириб бутун атрофни ораста ҳолга келтирамиз.

Ха, ободлик кўнглидан бошланади. Атрофга бир назар ташлайлик, кўм-кўк хибоблар, боғу-роғлар, ўригу бодом, чўчмомаю бинафшанинг хушбўйларини ободонлаштириш, кўкалам-зорлаштириш юмушларига чорламоқда. Вақтни ганимат билиб, пойтахтимиз ҳуснига чирой бағишлаш юмушларига бел боғлаб шанба-якшанба кунлари хашарлар ўқштириб юрт ободлигига хисса қўшайлик.

Азиза МУХАМЕДОВА



«Ўзбекенгилсаноат»:

ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

— 17, тикувчиликда — 24,5, трикотажда — 53 фоиз бўлди. Замонавий усуналар ва техника билан жиҳозланган корхоналарнинг ишга туширилиши, хорижий инвесторлар билан қўшма ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, жаҳон бозорига рақобатбардош тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмининг кескин ўсиши — буларнинг ҳаммаси мазкур жараённинг таркибий қисмларидир. Энг муҳими, бунинг эвазига янги иш ўрин-

га келиб қўшма ва реконструкция қилинган корхоналар замонавий усуналарда 195 миң тонна пахта толасини ёки умумий қайта ишлаш ҳажмининг 65 фоизини қайта ишлаб боради.

1995 йилдан бери тармоққа 900 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестиция жалб қилинди. Маҳсулот экспорти бир неча бор ортиди — 33,9 миллион АҚШ долларидан 239,4 миллион долларгача. Бугун 55 тадан ортиқ лойиҳа амалга оширилди, Германия, Жанубий Корея, Япония, Швейцария, Туркия, АҚШ бизнесменлари билан 45 та қўшма корхона ташкил этилди.

2004-2005 йилларда хорижий сармоа иштирокида 29 та янги тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Қўшма корхоналар ҳисобига қўшимча 7 миңга янги иш ўрни яратилди. Булар орасида «Айдемир текстиль», «Тоштекстиль», «Туртқўлтёкс», «Ас-шах», «Боготекс», «Шарк модел», «Пола модел» ва бошқалар бор.

Корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, модернизациялаш ва тўлиқ реконструкция қилиш ҳамда яқунланган қайта жиҳозлаш циклига эга янги корхоналарни ташкил этиш республикада тайёрланаётган умумий тола ҳажмининг ички қайта ишлаш даражасини 50 фоиздан ошириш имконини беради. Экспортда юмшаб ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши камади, тайёр товарлар ва маҳсулотлар эса кўпаяди. Аста-секин ички бозордаги истеъмол талаби ҳам қондирилади. Бугунги кундаёқ дўконлар, бозорлар ва ярмаркалардаги одамлар мамлакатимизнинг энгил саноати товарлари билан кўпроқ қизиқмоқда. Уларнинг нархи арзон ва сифати импортдан қолишмайди. Бу эса хайрли белгилар.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири



Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 1968 ЙИЛ 8 ОКТЯБРДА ПОКАРНОДА ИМЗОЛАНГАН САНОАТ НАМУНАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ТАСНИФИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ПОКАРНО БИТИМИГА ҚЎШИЛИШИ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилишининг.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 14 март

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

АСКАР ОТА-ОНАЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН АСКАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ ҲАМДА МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТГАН МАЗКУР АНЖУМАНДА ФАРЗАНДАРИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САФИДА ЙИГИТЛИК БУРЧINI ЎТАЁТГАН ОТА-ОНАЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент ҳарбий округи кўмонданининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник А.Муинов мамлакатимизда Президентининг Исрол Каримов ташаббуси билан Қуролли Кучлар тизимида ишчилик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида қайд этди. Ҳарбий қисмларнинг ўқув-моддий базалари мустаҳкамланаётгани таъкидланди. Жанговар тайёргарликдан ўтмишда замонавий таълим воситаларидан ва компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

Ўртбошимизнинг шу йил Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, бугун ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафарида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланимоқда. Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топомоқда.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Тошкент вилоятининг Қийрай туманидаги 23-ўрта мактаб ўқувчиси, аскар онаси Хуснорова Ҳақимова, Ўзбекистон халқ шоири М.Тоиров ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши йўлида барча шарт-шароитларни яратиб бераётгани, эл-юртимиизнинг тинчлиги ва оқоилигини мустаҳкамлаш борасида кўрсатаётган доимий ғам-хўрлиги учун давлатимиз раҳбари Исрол Каримовдан миннатдор эканликларини изҳор этдилар.

Ҳарбий қисмларда йиғитлик бурчинини ўтаётган аскарларнинг ўз ота-оналарига видеотасвир орқали йўллаган саломлари намойиш этилди. Фарзанди саломини севиниб билан тинглаган оналардан бири - пойтахтимиздаги 25-оилавий шифохона ҳамшираси Мактуба Убайдуллаева ўз хаяжонини шундай ифодалади: — Ўғлим, оддий аскар Равшан Убайдуллаев Фаргона вилоятида йиғитлик бурчинини ўтапти, деди у. — Ўғлимнинг ҳарбий қасамда қабул қилиш маросимида иштирок этиш учун водийга борганимда у хизмат қилаётган қисмдаги шарт-шароитни кўриб, жуда ҳурсанд бўлган эдим. Ёшларимизга ҳарбий хизматни шараф билан ўташ, ўқиш, касб-хўнара ўрганиш, ўз истеъдодини тўла намойиш этиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бераётгани учун Ўртбошимиздан гоят миннатдорим.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ижро этган куй-қўшиқ ва рақслар учрашувга алоҳида фойза бағишлади.

Жасур КЕНГБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасида матбуот ходимлари учун анжуман ўтказилди. Унда мамлакатимизда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигидаги янгиланишлар ва ўзгаришлар, соҳа фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари хусусида сўз юритилди.

● «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах шаҳар Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, ютуқлар ва айрим камчиликлар муҳокама қилинди.

● Кеча «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури ҳамда «ЭКОСАН» саломатлик поездлари ва автопоездларини ташкил этиш тадбирлари доирасида Хоразм вилоятига «ЭКОСАН» халқаро саломатлик поездига жўнаб кетди.

● Бугун Тошкент шаҳар ҳокимлигида тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга берилган ҳуқуқий кафолатлар тизими масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирликлар ҳамда ҳокимлик тузилмалари вакиллари иштирок этди.

● Кеча Тошкентда Япония ҳукумати қарорига кўра Ўзбекистон ҳукуматида 976 миллион япон йенаси (8,87 миллион АҚШ доллари) микдоридagi бегараз ёрдамни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу ёрдам «Йўл-қурилиш техникаси етказиб бериш (иккинчи босқич)» лойиҳаси асосида амалга оширилди. Республикага етказиб берилган қурилиш жиҳозлари узунлиги 378 километрлик Самарқанд—Фўзор—Термиз автотўлининг қайта реконструкция қилинишида ишлатилади.

● Пойтахтимизнинг «Фарҳод» деҳқон бозорида Андижон вилояти кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Ярмарка расталаридан вилоятнинг Пахтаобод, Булоқбоши, Андижон, Асака ва бошқа туманлари деҳқон ва соҳибкорлари етиштирган поллиз ва сабзавот ҳамда мева маҳсулотлари ўрин олган.

● Сурхондарё вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан бири — «Шўрчидонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг маҳсулотлари эндиликда шу ернинг ўзида қадокланадиган бўлди. Корхонада полиэтилен қоп ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

● Пойтахтимиздаги Олимпия заҳиралари коллежида ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда одатга кўра республикамизнинг барча ҳудудидан полвонлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Виржиния штатида 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда уюштирилган кўпурвчилик ҳаракатларига алоқадор деб топилган асли мароккашлик Франция фуқароси Закариё Мусавий устидан суд жараёнлари олиб борилмоқда. Олинган маълумотларга кўра суд жараёнлари вақтинча тўхтатилган. Судьялар Мусавийга бериладиган жазо юзасидан бир тўхтамага келишлари лозим.

● Буюк Британия мей ойига бориб Ироқдан ўзининг 800 нафар ҳарбий хизматчисини олиб чиқишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакат мудофая вазири Жон Рид жамоалар палатасида қилган чиқиши чоғида маълум қилди. Шу тарих тахминларга кўра Буюк Британиянинг Ироқдаги аскарлари сони 10 фоизга камаяди.

● Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида аҳолининг йирик норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Намойишчилар мамлакатнинг амалдаги бош вазири истеъфого чиқишни талаб қилмоқда. Норозиликнинг асосий сабаби эса бош вазир телекоммуникация соҳасида фаолият юритувчи йирик компаниялардан бирининг акцияларини хорижий компанияга сотиб юборган.

● Испаниянинг муҳтор вилояти Валенсияда ҳамон ёнғин давом этмоқда. Натижада хозирнинг ўзидаёқ 1,9 гектар майдон ёниб қулга айланган.

● Эн-би-си телекомпаниясининг хабарига кўра АҚШнинг Миссури, Иллиной, Арканзас ва Канзас штатларида ҳалокатли тўфон-торнадо оқибатида ўнлаб одам ҳаётдан бевақт кўз юмган. Ушбу штатлар ҳукуматлари оқлаб шикастланган ва ўнлаб бутунлай вайрон бўлган турар жойлар қайд этилганлигини эътироф этдилар.

● Ливаннинг собиқ бош вазири Рафик Харирий ўлими юзасидан олиб борилаётган текширувларга оид янги маълумотлар аниқланди. Бразилияда Ливан фуқароси Раъно Абдул Раҳим хибсга олинган. Бу аёл Харирий ўлимига алоқадорликда гумон қилинмоқда. Интерпол ходимлари уни Сан-Паулада сохта ҳужжатлар билан қўлга олишган.

● Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган профессионал бокс шоусида юртдошимиз Руслан Чагаев украиналик Владимир Вирчигса қарши рингга кўтарилди. Супер оғир вазнда ҳали бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган Руслан Чагаев ушбу жангда ҳам голибликни қўлга киритди ва WBO ҳамда WBA йўналишлари бўйича китъаларо чемпионлик камарларини қўлга киритди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 16 март кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАГИ МУТАХАССИСЛАР

БҮНЁДКОРЛИК ОТА-БОБОЛАРИМИЗДАН БҮЮК МЕРОС. ХАЛҚИМИЗ БҮНЁД ЭТИШНИ, ОБОД ҚИЛИШНИ, ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШНИ ЯХШИ КЎРАДИ. ЙИЛДАН ЙИЛГА ҚУРИЛИШЛАР КЎЛАМИ ОРТИБ, ЗАМОНАВИЙ ВА ЖАХОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚАД РОСТЛАР ЭКАН, АЛБАТТА УЛАРДА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИЛАР, ЯШОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ҲАМ КЎЗДА ТУТИЛАДИ. БУ ЭСА ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ОШИРАДИ, УЛАРНИНГ БИЛИМИ, ИҚТИДОРИ ЮКСАКЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАДИ. ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ «ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ» КАФЕДРАСИ МУДИРИ, ТЕХНИКА ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ДОЦЕНТ СОАДТ ҚОСИМОВА ИШБУ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВА ОЛИМЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ ҲАМДА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР ХУСУСИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:

— Жамиятимиз тармоқларининг ўзгариш шароитларида, бозор иқтисодиёти жараёнида шаҳар қурилиши ва хўжалигининг ривожланиши негизда ҳам салмоқли янгиланишлар кўзда тутилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, шаҳар қурилиши ва хўжалиги халқ хўжалигининг энг муҳим томонларидан бири бўлиб, у аҳолининг сони ва эҳтиёжининг орттириши инobatта олган ҳолда уларнинг меҳнат қилиши ҳамда дам олиши учун қулай шароитлар яратишда етакчи ўрин эгаллайди.

Ана шунини назарда тутган ҳолда янгиланиш боқиларида шаҳар қурилиши ва хўжалиги усул ҳамда технологияларини мукамаллаштириш кўп жиҳатдан капитал шаҳар қурилиш маблағлари ҳолатида камчиликларни бартараф этишга боғлиқлики, бу шаҳар аҳолисининг ашаш даражасини кўтаришга қаратилган.

— **Кафедра ана шу мақсадни назарда тутган ҳолда иш бошлаганими?**

— Албатта, кадрлар малакаси, компетентлиги ва уларнинг юқори жавобгарлиги жамият ривожининг асосий омилдир.

Шу боис ҳам шаҳар қурилиши ва хўжалигида кадрлар бошқарувини ташкил қилиш мақсадини кўзлаган ҳолда институтимизнинг «Инженер-қурилиш» факультетида 1991/1992 ўқув йилидан бошлаб «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги» кафедраси фаолият кўрсатмоқда. Кафедраимизнинг илмий йўналиши шаҳар қурилиши ва хўжалигини барпо этиш бўлиб, асосан бўлажак мутахассисларга шаҳар қурилиш ва хўжалиги технологияси ҳамда услубларини тақомиллаштириш, турар жой танқислигига барҳам бериш, жомоат биноларини таъмирлаш, муссафо экологик шароитни таъминлаш, шаҳар муҳандислик тармоқларини, транспорт тизими, шаҳар аҳолисининг яшаш даражасини оширишга қаратилган фанлардан сабоқ берилади. Шунингдек, қурилиш ва унинг индустриясида бошқарув ва менежмент ташкил қилишнинг прогрессив тармоқларини, замонавий технологияларни жорий қилиш, шаҳар қурилиши ва хўжалигининг янги ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, техник реконструкциясини олдинга суршиш кафедранинг малакали мутахассисларини етиштириб чиқа-

ришда ўз олдига қўйган вазифалари сирасига қиради.

— **Айни пайтда кафедра жомоаси ўз йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашда нималарга асосланади?**

— Жомоасини томонидан изланишлар натижасида шаҳар қурилиши ва хўжалиги муҳандис мутахассис кадрларини тайёрлаш учун ихтисослик тавсифи, ўқув режалари ва дастурлари тайёрланган. Айни пайтда ўз йўналишимиздан келиб чиққан ҳолда бакалаврлар тайёрлаяпмиз. 1999-

2000 ўқув йилидан бошлаб кафедрада «Биномлар ва шаҳар ҳудудларини ёппасига қайта қуриш, тиклаш ва улардан фойдаланиш» ҳамда «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги иқтисодиёти» мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлаш амалга оширилмоқда. Келажакда эса замон талабларидан келиб чиққан ҳолда «Шаҳар ҳудудларини тайёрлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш», «Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари», «Ер ости иншоотларини ёппасига қайта қуриш, тиклаш ва улардан фойдаланиш» йўналишлари бўйича ҳам магистрлар тайёрлаш режалаштирилмоқда.

— **Албатта, ана шундай шаҳар қурилиши ва хўжалиги ривожига муносиб хисса қўладиган мутахассисларни кафедра жомоаси ҳамжиҳатликда тайёрлайди, билим ва маҳоратини сарфлайди. Шундай эмасми?**

— Жуда тўғри айтдингиз. Чинданам кафедрада ўз ишининг усталари меҳнат қилишади. Улар орасида 2 та фан доктори, 5 та техника фанлари номзоди ва 3 та катта ўқитувчининг меҳнат қилиши ва уларнинг изланишлари фикримиз далилидир. Утган ўн беш йил давомида кафедра профессор-ўқитувчиларининг турли сўхалар бўйича малака оширишлари меҳнат фаолиятида, талабаларга билим беришларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бунёдкорлик борасида, шаҳар хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар, янгиланишлар ана шунини таъкид этмоқда.

Кафедра йўналиши бўйича тайёрланган бакалавр ва магистрлар учун Ўзбекистон Республикаси таълим Давлат стандартлари ишлаб чиқилди. Кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича

намунавий ва иш дастурлари, назорат учун тестлар ва саволлар, махсус кроссворд ҳамда чайворлар, курс ва битирув квалификация лойиҳалари учун услубий қўлланмалар, турли амалиёт дастурлари тайёрланган. Утган давр мобайнида кафедрада 1 та докторлик ва 2 та номзодлик диссертациялари тайёрланиб ҳимоя қилиниши ҳам шаҳарларимиз қурилиши ва хўжалиги ривожига учун катта хиссадир.

— **Иқтидорли талабалар билан ишлаш масаласи хусусида ҳам фикр билдирсангиз...**

— Шубҳасиз, иқтидорли талабалар бизнинг фахримиз, бундай йигит-қизлар билан ишлаш, уларнинг салоҳиятини шакллантириш, билим ва маҳоратларини намоён этишларида кўмаклашиш бурчимиз. 1999 йилда институтимизда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш, иқтидорли ёшлар билан ишлашни янада жадаллаштириш мақсадида «Иқтидорли ёшлар маркази» (ИЕМ) ташкил этилди. Қувонарлики эса кафедраимизнинг кўплаб талаба-ёшлари ана шу марказнинг аъзолари қатаридан муносиб ўрин олган. Булар орасида Олег Бичук, Венера Аҳмедиярова, Боғибек Курёзов, Д.Толипова, И.Ишнӣёзова, С.Илҳомов, Ж.Раҳимов, Р.Латипова, А.Раҳимов, С.Убайдуллаев сингари талаба-ёшларимиз бор.

Яна шунини таъкидлаш ўринлики, талабаларимизнинг битирув ишлари мавзулари пойтахтимизнинг муайян объекти бўйича бажарилаётган йўналишларга қаратилган бўлиб, улар доимо юқори баҳоланмоқда, олий ўқув юрти танловларида совринли ўринларга сазовор бўлмоқда.

Энг муҳими биз тайёрлаган мутахассисларимизнинг халқ хўжалиги соҳаларида ўрнини топаётганидир. Утган йиллар давомида кафедраимизда 200 нафардан зиёд малакали мутахассис тайёрланган бўлса, улар мамлакатимиздаги илмий-техшириш ва лойиҳа институтларида, корхона ва ташкилотларда, пойтахт ва вилоятлар бошқарув тизимларида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда, иқтисодий ислохотлар ривожига катта хисса қўшмоқда. Бу шубҳасиз жомоасини аҳлини янада самарали меҳнат қилишга, янгиланган яратиш ва уни етуқ кадрлар маҳоратига сингдиришга ундайди. Мақсадини энг юрт фаровонлиги, шаҳарлар кўрки, аҳоли ушбу қулай ва яхши шароитлар бунёд этишда хисса қўладиган бугуннинг мутахассисини тайёрлашдир.

Сухбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

Иқтисодиёт СИФАТЛИ ИШ КИЙИМЛАРИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН "IRODAT" ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИДА МАХСУС ИШ КИЙИМЛАРИ ТИКИЛМОҚДА.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиқиб, иш юритаётган жомоа аҳли 1995 йилдан буён "Irodal" фирмали белгиси остида бюортмага асосан кийим-кечаклар тикмоқда. Малакали бичиқчи, моҳир тикувчи, замонавий дизайнчиларнинг меҳнатлари эвазига яратилаётган либослар мижозларни мамнун этмоқда.

Бюортмалар хилма-хил, масалан комбинезон, куртқа, костюм, шим, кепкалардан тортиб, юбка, кофта, блузка, сарафан, фартук, жилет, футболка, иш қўлқопларини ташкил этган ҳолда, жамоа аҳли янги маҳсулот турлари яратиш устида ишламоқда. Сифатга алоҳида эътибор қаратган корхонанинг ишчи-хизматчиларига юксак унумли, хорижий, дунёга машҳур фирмаларнинг тикув-бичув машиналари ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Эътиборли томони, бюортмаларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, тадбиркорлар ўз муддатларида бажаришда ҳамда жажон талаблари асосидаги замонавий дизайн уларнинг диққат марказида. Махсус кийимлар учун фақат сифатли матоларни кенг қўллаётган "Irodal"чиларнинг рақобатчилири орасида муносиб ўринлари бор.

БЕЖИРИМ ЁДГОРЛИК БҮЮМЛАРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА 2000 ЙИЛДА ИШ БОШЛАГАН УСТА ХУНАРМАНД АЛЕКСАНДР ШИМОЛИНИНГ АСЛИ МУТАХАССИСЛИГИ МУҲАНДИС.

Лекин миллий колоритни ўзида мурассам этган сополдан ясалган ёдгорлик буюмлари уни ёшлигидан ўзига мафтун этиб келганлиги боис, уларни ясашни пухта ўрганди. Эндиликда хунарманд уста 30 хилдан ортиқ бир-бирдан чиройли, кўрган кўзларни қувнатувчи миллий кийимлардаги турфа хил эсдалик совғалари буюмларини тайёрламоқда.

Жумладан, Александр Шимолин жуда харидоргир ҳисобланган магнитли ёдгорлик буюмларидан 20 хилдан ортинини тайёрламоқда. Доимо изланишда, янгиликка ўч хунарманнинг маҳсулотлари "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, вокзалларнинг ёдгорлик дўконларида, Сайилгоҳда, тўрт юлдузли меҳмонхоналарда сотилмоқда. Қувонарлиси, уларни сайёҳлар узоқ хориж давлатларга ҳам олиб кетмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Ободлик кўнгилдан бошланади

ЎЗИМИЗ БАҲРАМАНД БЎЛАМИЗ

• **Абдулазиз ТУРОНХЎЖАЕВ, Ҳамза туманидаги «Меҳри Турон» уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раиси:**

— Аҳолини ширкат ходимлари билан ҳамжиҳатлиги, биргаликдаги саяё-харакатлар самараси, албатта ўзлари яшаётган турар-жойлар кўркамлигида, умумий фойдаланадиган мулкларни асраб-авайлашда, кириш йўлақлари, уйлар ён-атрофи, ҳовлилар, болалар майдончалари орасидаги, саранжон-саримталлигида яққол кўзга ташланади.

Шубҳасиз ана шундай ҳамжиҳатлик бор жойда барак ҳам, гўзаллик ҳам бўлади. Айниқса, юртимизга ўз сепини ёйган баҳор фаслида, она-замин уйғонган тароватли дамларда, Наврўз нафаси уфуратган кизгин паллада барчанинг кўнгилга ободлик, гўзаллик кириб келганини ҳаракатдан, жонланишдан сезиш мумкин.

Ширкатимиз тасарруфида ҳозирда 11 та турар жой биноси бўлиб, яшовчиларга намунали хизмат кўрсатиш, уларда ўз яшаш жойларига мулкдорлик ҳиссини уйғотиш борасида «Менинг уйим»-менинг кўрким» ширкати остида иш олиб боришмоқда. Президентимизнинг утган йилда эълон қилинган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақидаги қарори асосидаги

ширкатлардаги уйларнинг ихчамлашуви ҳамда туманда уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси тўзилгани фаолиятимиз ривожига катта аҳамият касб этмоқда. Утган йилда барча уйларимизнинг кириш йўлақларини мукамал таъмирлаб, темир эшиклар, ўриндиқлар ўрнатдик. Бу юмушда нафақат ширкат ходимлари, балки яшовчилар ҳам ҳомийлар кўмагидан илҳомланган ҳолда куч-ғайрат сарфлашди.

Баҳорнинг илқ қунлари бошланиши билан эса хар дам олиш қунларида ҳашарлар уюштирилмоқда. 11-12 март кунлари ўтказилган умум-халқ эшдири. Худудимиздаги 4800 туп манзарали даракларга шакл берилди, оқланди, тағлари юмшатилади. Ҳовлилар чикиндилардан тозаланди, 70 туп олча қанди экилди.

Халқимизда «Гул — ернинг кўрки» деган аjoyиб нақл бор. Унга амал қилган ҳолда уйларимиз атрофида, кўчаларимизга турфа гуллар ўтказмоқда, оқланди, тағлари юмшатилади. Наврўз айёмигача болалар майдончаларимиз ўзгача кўёфа касб этади. Меҳр-оқибат байрамини эса барчамиз биргаликда нишонлаймиз, кўнгилдаги ободликни худудимизга кўчириб, ундан ўзимиз баҳраманд бўламиз.

• **Бахтиниса ҚОДИРОВА, Мирзо Улуғбек тумани:**

— Наврўзи оламни ҳақиқий орасталлик, покизалик рамзи, меҳр оқибат мурассам, десак муболага бўлмайди. Шу боис ҳам улуг айёмни, миллий қадриятларимиз эъзозини саналмиш янги кунни озиқиб кутамиз. Хонадон ховлиларга, кўчаларни орасталаймиз, гулу кўчатлар ўтказамиз. Утган йилда кўп қаватли уйлар атрофида жуда катта ишлар амалга оширилди. Ўзбошимча қурилишлар, товухонаю каптархоналар олиб ташланиб, гул ва арча кўчатлари ўтказилди. Баҳор нафаси дилимизга ажиб тароват бағишлаётган ушбу кунда биз кўп қаватли биноларда яшовчи хонадон эгалари ҳам утган йилги эзгу ишларни давом эттирсак, йўлақларимизни орасталаб, кичкина ховлиларимизни турфа гуллар экиб яшантсак, фойдандан холи бўлмайди. Ахир бу барчамизнинг қўлимиздан келадиган ишлар-ку.

Албатта, бундай ободонлик ишларига фарзандларимизни жалб этсак, уларни уйларимизни асрашга, кўркамлаштиришга ўргатсак қандай яхши. Шу боис қўшилар баҳамжиҳат бўлиб қўлимиздан келадиган ишларни, баҳорий юмушларни ўзимиз бажарайлик, токи яшаётган турар-жойимиз чиройли фахрлинига арзисин.



Ширкат — ибрат

СИФАТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

Мирзо Улуғбек туманида фаолият кўрсатаётган «Бўз-1 коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкатида амалга оширилаётган ибратли ишлар аҳоли билан ҳамжиҳатликда олиб боришмоқда. Бунинг самараси эса бинолар кўрмида, кириш йўлақлари орасталигида, ертўлаларнинг қуруқ ва тозаллигида, уйларнинг ён-атрофлари, болалар майдончалари файзида яққол кўринмоқда. Шу боис ҳам муаммолар ечими мулкдорлар ишончини оқлаш, бюортмаларни вақтида ва сифатли адо этиш натижасида биргаликда ҳал этилмоқда, қарздорлик камаймоқда.

СУРАТДА: диспетчер Инобат Аблаева ҳар бир яшовчи билан тил топиша олади

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

ҲАЁТИМИЗ МАНБАИ БЎЛГАН БЕБАҲО ВА АЗИЗ НЕЪМАТЛАРДАН БИРИ — СУВНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ, УНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАШ, ИСРОФГАРЧИЛИГИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ҲАР БИР ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ БУРЧИ

Ҳисобланади. НЕҒАКИ, «ОБИ ҲАЁТ»СИЗ БИР КҮН, ҲАТТО БИР СОАТ ТУРМУШИМИЗНИ ТАСАВУР ЭТИШ ҚИЙИН.

Албатта, бунини пойтахтимиз аҳолисини тоза ва зарарсиз сув етказиб бериш йўлида ке-чаю кундуз меҳнат қилаётган «Сувсос» трести Давлат унитар корхонаси сувсослари ҳам жуда яхши билишди. Ариқлардаги сувни тозалаш, шаффоф ҳолда ҳар бир истеъмолчи-га етказишнинг захматлари баробарида анчагина маблағ сарфланишини ҳам унутмаслигимиз керак.

Шаҳримизда 550 мингта абонент бўлса, бу истеъмолчиларнинг ҳаммаси ҳам ишлатилган ичимлик ҳамда оқава суви ҳақларини ўз вақтида тўлайди, дея олмайдими. Чунки аҳолининг етказиб берилаётган ушбу неъматдан дебитор қарзлари бор. Лекин, шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтда интизомли тўловчиларимиз сафи ортиб бормоқда, бунга олиб борилаётган тушунтириш ишлари баробарида, 3 йилдан буён «Сувсос» трести маблағлари ҳисобидан тартибли истеъмолчиларни рағбатлантириш, дебитор қарздорликни камайтириш, сарф қилинган сувнинг ҳақини ўз вақтида тўлаш таъминлаш мақсадида қимматбаҳо ютуқлар уйини ўтказиб борилаётгани ҳам катта

Ютуқ муборак!

ИНТИЗОМЛИ ТЎЛОВЧИЛАРГА АЖОЙИБ ТУҲФАЛАР

хисса бўлмоқда.

Яқинда 2005 йил яқунларига кўра қимматбаҳо ютуқлар уйини ўтказилди. Ушбу қимматбаҳо ютуқлар уйинининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда иштирок этиш учун аҳоли, яъни истеъмолчи ҳеч қандай лотерея ҳам сотиб олмайдими, ҳеч кимга мурожаат ҳам этмайдими. Фақат улар бир шартни бекум қўст бажарган бўлишлари керак, у ҳам бўлса 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига соғуқ сув тўловларини тўла бажарган бўлишлари лозим. Яна бу йилги уйинининг ўзига хос жиҳати, унда абонентлар икки мартаба иштирок этиб, қўшалок ютуқни қўлга кириштиришлари ҳам мумкин. Бунинг учун кредит шартномаси асосида хонадонларига соғуқ сув ҳисоблагичларини ўрнатган истеъмолчилар унинг ҳақини 100 фоз тўлашлари шарт эди.

— 2006 йил 1 январь ҳолатига қарзсиз утган истеъмолчиларни аниқлаш ва бирон-да интизомли абонентнинг уйиндан қилиб кетмаслигини назарда тутиб, — дейди «Сувсос» трести давлат унитар корхонаси бошқарувчисининг сув тақсироти масалалари бўйича ўринбосари, уйин ҳаёти раиси Шеразод Зафаров, — январь ва февраль ойларида катнашчилар аниқланиб бўйхати тайёрланди. Ана шу бўйхатга кўра бугунги уйинда 176081 та абонент иштирок этмоқда. Улардан 311 нафар ютуқни қўлга кириштириш имкониятига эга. Омадиларни эса барча кўнун-қондаларга амал қилган ҳолда компьютер аниқлаб бе-

ради. Бунинг учун уйин иштирокчиларининг тартиб рақами ва маълумотлар ёзилган дискет муҳим аҳамият касб этади.

— **Утган ўн йил давомида ўтказилаётган қимматбаҳо ютуқлар уйини самарасини кўрсатмоқдамиз?**

— Ушбу самарани, аввал иштирокчиларимиз сони, яъни интизомли тўловчилар сафи ортиб бораётганида яққол кўриш мумкин. Утган йилдагига нисбатан иштирокчиларимиз сони 15 мингтадан зиёда ортди. Шунингдек, уйин ўтказилишини эълон қилганимиздан сўнг, яъни октябрь ойида аҳолининг дебитор қарзи 924 миллион сўндан зиёд бўлса, 1 январь 2006 йил ҳолатига 673 миллион сўмга тушди, жорий йилнинг январь ойида эса ана 150 миллион сўмга камайди. Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов ва Миробод туманларида интизомли тўловчиларимиз кўнглини ташкил қилар экан.

Албатта, ютуқлар учун корхона ўз харажатларини иқтисод қилган ҳолда маблағ ажратди. Утган йилда ютуқлар учун 11 миллион сўм ажратилган бўлса, бу йил ушбу ракам 15 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ютуқларга келадиган бўлса улар орасида 2 та компьютер, 10 та телевизор, 2 та музлаткич, 15 та микроўқувчи печ, дивидилейер, миксер, чангопчи ва бошқа рўзгорда асқотадиган намунавий хўжалик буюмлари бор.

Қимматбаҳо ютуқлар уйинини корхона қасаба уюшмаси раиси Хайридин Юсупов очиб, барча иштирокчиларга омад тилади. Уйин бошланди ва тасодифий танлов асосида компьютер ёрдамида ютуқ эгалари аниқланди. Унга кўра 311 та истеъмолчи ютуқлар соҳибига айланди. Албатта, қўтлуг Наврўз байрами арафасида бу истеъмолчиларнинг дилини шод этадиган алоҳида туҳфа десак арзийди.

— Сарфига яраша ҳақини ҳам тўлаб бериш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир, — дейди Утчапе тумани, 11- мавзе, 24-уй, 117 хонадон соҳибаси Мария Сидорова. — Шу боис ҳам барча тўловларни вақтида тўлаб бораган. Мана бугун унинг муқофотиға ўзим сезмаган ҳолда сазовор бўлдим. Қимматбаҳо ютуқлар уйинида чангопчи соҳиб бўлибман. Бунинг учун аҳолини сув билан узлуксиз таъминлаётган ва мана шундай уйини ташкил этган корхона сувсосларидан беҳад миннатдорман. Сиз ҳам сув ҳақини ўз вақтида тўланг, келгуси йилда албатта ютуқ эгаси бўласиз.

Энди ютуқ эгаларига эслатиб ўтамиз. Тез кунда ютуқ эгаларининг ҳисоб рақамлари мабутода эълон қилинади. Ютуқлар эса ўз ой муддат давомида эгаларига топширилади. Ютуқ эгаси бунинг учун паспорт ва абонент дафтарида сув билан корхонага келишлари лозим. Ютуқ муборак, интизомли тўловчилар!

Шарофат БАХРОМОВА

Санъат

ТОМОШАБИНЛАРНИ ХУШНУД ЭТИБ

БОЙ РЕПЕРТУАРИ БИЛАН МУХЛИСЛАР ЭЪТИБОРИГА ТУШГАН ТОШКЕНТ ОПЕРЕТТА ВА МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИ БУГУНГИ КУНДА ҚАТОР ЯНГИ СПЕКТАКЛАРНИ САҲНАЛАШТИРИШ УСТИДА ИЖОДИЙ ИЗЛАНМОҚДА. БУ ПОСТАНОВКАЛАР ОРАСИДА БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАР ҲАМ БОР.

Танқили бастакор Алишер Икромов томонидан ёзилган навабдаги сахна асари «Мамат ганчдор» деб аталди. Ёш томошабинлар фойдали касб-корларни эгаллашга бўлган қизиқишларини оширишга бағишланган маъзур постановка ҳам театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олди.

Актёрлар тузган навабдаги томоша дастури бўйича «Учувчи сичқон», «Цирк маликаси», «Хону-ма», «Шарк афсонаси» ва бошқа қатор асарлар ҳам намойиш қилинади.

ЭТНОГРАФИК ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИГА БАҒИШЛАНИБ СУРАТГА ОЛИНГАН ФИЛЬМЛАР ТОМОШАБИНЛАРДА ЯХШИ ТААССУР ҚОЛДИРМОҚДА. ЭТНОГРАФИК МАДАНИЯТИМИЗ КЎРИНИШЛАРИ АКС ЭТТИРИЛГАН ЭКРАН АСАРЛАРИ СЕНИ ЯҚИН ВАҚТ ИЧИДА ЯНАДА ОРТАДИ.

Республикамизнинг ҳужжатли фильмлар усталари бундай хайрли ишга бош қўшдилар. Киносанъаткор Семен Эгай бадий раҳбарлик қилаётган студия экранлаштираётган этнографик фильмлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортади. «Қадимий ёдгорликлар», «Бахши», «Халим» деб номланган фольклор асарлари ҳам бирин-кетин экран юзини кўради.

Ақбар АЛИЕВ

ИЖОДКОРНИНГ ЯНГИ КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ ЗАМОНАВИЙ САҲЪАТ МАРКАЗИДА ЛЮДМИЛА СОДИҚОВА АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Дастлаб Республика рассомлик коллежи, сўнгра Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти номланган Л.Содиқова айниқса портрет, пейзаж, натюрморт йўналишида самарали ижод қилляпти.

У Россия, Туркия, АКШдаги халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этган. Асарлари МДХ мамлакатлари, Австрия, Германия, Япония, Франция каби давлатлардаги музей ва галереялар, шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Ушбу кўргазмада мўйқалам соҳибасининг элликдан зиёд асари намойиш этилаётди. Унинг «Анор узаётган киз», «Инькос», «Хосил йигими» сингари картиналари томошабинларга айниқса манзур бўлмоқда.

ЎЗА

2006 — Хомийлар ва шифокорлар йили

АСРЛАР ДАВОМИДА АЁЛЛАРГА, УЛАРНИНГ ОИЛАДА, ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА ТУТГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИБ КЕЛИНГАН. АЁЛЛАРНИ ҲУРМАТЛАШ, УЛУҒЛАШ, ЭЪЗОЗЛАШ — ДАВЛАТИМИЗ, МИЛЛАТИМИЗ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН ОЛИЙ КАДРИЯТ ҲИСОБЛАНАДИ.



МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА

Айниқса мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишлари борасида қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу албатта аёлларнинг фарзанд тарбияси, оиланинг осойишта-саранжомлиги ва жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларида муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Хомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинишида ҳам том маънода аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, саломатлигини тиклаш, соғлом, бакуват, руҳан тетик ёш авлодни вояга етказиш, хайр-саховатли инсонлар кўмагини эзгуликка йўналтириш каби хайрли мақсадлар кўзланган. Бугунги кунда тиббиёт тизимида хусусан барча шифокорлар, оилавий поликлинкарлар, туғруқ комплексларида кенг ислохотлар олиб борилиб, уларнинг энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиши, шифокорларнинг малакасини ошириб намунали хизмат кўрсатишига эришиш йўлида кенг қўламадаги ишлар амалга оширилмоқда.

Биз Сергели туманида жойлашган 1-акusherлик комплексида бўлганимизда бунга бевосита гувоҳ бўлдик. Аввало эътиборимизни ушбу худуддаги саранжом-сарихатлик, атроф-теваракнинг, хусусан туғруқхона ҳовлисининг озода, покизалиги, арчау терактлар, кўм-кўк майсазорлар, чиройли, бежирим ўтиргичлар тортиди. Камалак ақтини бериб осмонга отилаётгани фавора киши дилига хузур бағишлаб бу ерда

беморларга фақат муолажа эмас, ҳам руҳан, ҳам маънан мадад берилаётганидан гўё дарак бериб турарди.

— Туғруқ комплексимиз яқинда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, беморларга ҳар қандай ҳолатда ёрдам бера олиш даражасида энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди, — дейди бизни қарши олган туғруқ комплекси бош шифокори Матлаб Расулов. — Албатта бунда бизга Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, туман ҳокимлигининг ёрдамлари катта бўлди. Ҳозирги кунда шифокорларимизда 190 нафар беморга аъло даражада хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларга Н.Назарова, С.Стратуленко, Т.Камолова, Л.Дискант, М.Шукурова, М.Бегматова каби олий тоифали, оқ кўнгилли, тажрибали акушер-гинеколог ва турли соҳа шифокорлари ширин сўзлари, ўткир муолажалари билан хизмат кўрсатиб дардларига малҳам бўлмоқдалар.

Туғруқ комплексини бирмабир айланб чиқар эканмиз бу ерда туғруқлар ҳамроҳлар (оталар) билан, «Хавфсиз оналик» кўрсатмаларига мувофиқ илочи борича дори-дармонсиз олиб борилаётганининг шоҳиди бўлдик. Бу кўрсаткичлар тахлил бўйича 45 фоизни ташкил қилар экан. Аналар ва чақалоқлар орасида йирингли иситмалари касалликларни камайтириш йўлида қатор профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Туғруқдан сўнг чақалоқ она билан бирга эканлиги туфайли, кўкрак сутидан баҳраманд бўлади. Бу эса чилла даврида чақалоқнинг кам касалланишига хизмат қилади. — Эндигина дунёга келган

чақалоқ учун она сутидан бебаҳо неъмат бўлмаса керак, — дейди бош шифокор. — Гўдак она сутидан ҳам соғлом, ҳам бакуват ўсади, касалликка тез чалинмайди. Она гўдагига меҳр билан сут берса, бола ҳам онага шунча меҳрли бўлиб ўсади деб бежизга айтишмаган.

Оналар билан суҳбатлашиб туғруқ комплекси раҳбарияти, шифокорларидан уларнинг жуда миннатдор эканликларини англадик. Яна шунга ҳам айтиш жоизки, янги УТТ-аппарати, ЭКГ ва наркоз аппаратлари билан комплекснинг таъминлангани ҳомиладор ва тиббий хизматга муҳтож аёлларга, янада намунали хизмат кўрсатилиши йўлида муҳим роль ўйнамоқда.

Бош шифокор Матлаб ака суҳбатимиз асосида фахр билан бизни яна бир янгиликдан воқиф этди. Туғруқ комплекси ўтган йили туман бўйича ўтказилган «Энг обод худуд» танловида голиб чиқиб 1-даражали диплом билан тақдирланди. Демакки, қилинган меҳнатлар самараси, кўрсатилган эътибордан киши руҳлар экан эзгулик ва яхшиликларга эш бўлаверади.

Биз 1-туғруқ комплексидан чиқар эканмиз, шаҳримизнинг ҳар бир тиббиёт муассасасида озодалик, намунали хизмат кўрсатиш йўлига қўйилиши астойдил истаб меҳри дарё, қалби уммон наҳот фаришталарнинг ишларида омадлар тилаб хайрлашдик.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: 1-туғруқ комплекси шифокор-гинеколог Зулфия Халиқова ва ҳамшира Клара Нугмановалар янги туғилган чақалоқлар билан.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

БИЗ — ИСТЕЪМОЛЧИМИЗ. Кундалик турмушда САВДО ДЎКОНИГА КИРГАНИМИЗДА ҲАМ, ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИГА ЧИҚҚАНИМИЗДА ҲАМ ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНМИЗ. ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ЭНГ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ — КОНСТИТУЦИЯДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Бугунги ўсиб келаётган ёш авлод аса амалдаги қонунчилик меъёрларидан, шу жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонун бандларидан атрофлича хабардор бўлишлари кераклигини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис, бир неча йилдан бери анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танловида мамлакатимиз ёшларининг бу борадаги қонунчилик асосларини нечоғлиқ ўзлаштирганликлари ва унга амал қилиш борасидаги малакалари синовдан ўтказилди.

Бу йил ҳам танлов ташкил этилди. «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» номи билан ўтказилган тадбирда шаҳримиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида тахсил олаётган ўқувчилар ўзаро куч синашишти. 18 нафар иштирокчи танловнинг учта шартига қўра — тест саволларига жавоб бериш, ўзини таништириш (сахна кўриниши ҳолатида), вазиятдан келиб чиқиб саволларга жавоб бериш борасида ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишти.

Нихоят танлов голиблари аниқланди. Хайрат аъзолари ўқувчиларнинг билим ва савияларини одил баҳолашга ҳаракат қилишди. Унга қўра биринчи ўринга Чилонзор туманидаги педагогика коллежи ўқувчиси Муассар Илҳомова, иккинчи ўринга шу тумандаги 2-Тошкент юридик коллежи ўқувчиси Хуршида Зупарова, учинчи ўринга Сергели тумани молия-иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Олимжон Маъмуржоновлар лойиқ деб топилди.

Ғолибларга танловнинг I, II, III даражали дипломлари топширилди. Шу билан бир қаторда биринчи ўрин соҳибига рангли телевизор, иккинчи ўрин эгаси видеомagneтфон, учинчи ўрин эгаллаган иштирокчи аудиомagneтфон билан тақдирланди.

I, II ўрин эгаллаган иштирокчилар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ВАГОНЛАР СИФАТЛИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШДА ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТИНИНГ САЛМОҚЛИ ҲАМ БИР БУНДА ТЕМИР ЙЎЛ ВАГОНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙЛИГИ ВА ТЕХНИК СОЗЛИГИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА.

— Бундан тўрт йил муқаддам Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эски депо базаси ўрнида бунёд этилган қорхонамиз йўловчи вагонларни таъмирлаш бўйича Марказий Осиёда янада ҳисобланади, — дейди «Toshkent yo'lovchi vaqonlarni ta'mirlash zavodi» очик акциядорлик жамиятининг янги техника ва технологиялар бўйича директори Авазхон Абдуллаҳужаев. — Уттан давр мобайнида мингдан зиёд йўловчи вагон таъмирланди. Илгари бу ишларнинг аксарияти катта маблаг эвазига бошқа давлатда амалга оширилди.

Эндиликда заводимиз барча турдаги таъмирлаш ишларини бажариш имконини берадиган, ун юзга яқин замонавий асбоб-ускуна ва технологик линия билан жиҳозланган. Уттан йили «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компания-

си, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг «Халқаро почта» филиали ҳамда Мудофая вазирилик қарашли юзлаб вагонлар таъмирланди. Тожикистон Республикаси темир йўл компаниясининг 22 та йўловчи ташиш вагонини ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, 552 та йўловчи вагонга техник хизмат кўрсатилди.

Заводда йўловчи вагонларни янгиликлар ва тубдан таъмирлаш билан бир қаторда, улар учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ёгончи қайта ишлаш цехида электротехник вагонларни учун ўриндиқлар тайёрланапти. Айрим бутловчи қисмлар «Андижон механика заводи», «Ўзқабель» очик акциядорлик жамияти каби қорхоналардан олинмоқда.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ

қўллаб-қувватлаш, жумладан малакали тиббий хизмат кўрсатиш, қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисини тиббий-ижтимоий патронаждан ўтказиш ишларини амалга ошириш ҳам режалаштириб қўйганмиз, — дейди бу тўғрида Сергели тумани ҳокими Мутоллаб Абдуллаев. — Шаҳарда даволаниш зарурати бўлган беморларга Сергели тумани даволаш масканларида қўлайликлар яратиб берилади.

Умрбоқий қадриятлар айёми — Нарвўз байрами арафасида ҳар иккала туманда истиқомат қилувчи 296 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб бериш ҳам мўлжалланмоқда. Уларнинг 30 нафари Қоровулбозор туманидаги Жарқок қишлоғи болаларидир. Ёшлиқдан эътибор, меҳр-муҳаббат кўриб ўсган ёш авлоднинг эртага жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб етишишига эса шак-шубҳа йўқ.

Шахризода МУҲСИМОВА

ТИҲОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ! Илк бор «Туркистон» саройида 2006 йил 21 мартдан 2006 йил 2 апрелга «ЗОЛУШКА» номли жаҳондаги биринчи итлар театри спектакллари ПРЕМЬЕРАСИ КЎРИШГА ШОШИЛИНГ

Спектакллар: 2006 йил 21 март, 1, 2 апрелда соат 15.00, 18.00 да; 2006 йил 22, 23, 27, 28, 29, 30, 31 март соат 18.00 да бошланади. Чинталар «Туркистон» саройи кассалари ва цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин. Кассалар эрталабки соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 333-88-99, 131-00-88, 144-32-23.

Шарқ дурдоналари **Оз-Оз Утган** *Домо бўлу...*

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТ. Ҳисоб ва сарф муомила учун, қўмак, ихлос ва уэр дўстлик ва муҳаббат учундир. Байт: Ҳар кимсага таъна тошини отма, Гарчи бўлса ҳамки қайсар ёки шум. Айбисиз дўстларни топмок муаммо, Айт-чи, хатолардан ким поку маъсум?!

Ҳар ким дўстларга хушфёъл бўлмаса, Дўстлик иззатидан бўлади махрум! Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Дўстлик иши жуда нозикдир. Ҳар икки томон бу йлни узилмаслиги учун қайғурмоғи керак. Бир номақбул иш тўфайли орага араз тушса, бу араз кучаймасдан аввал уэр сўраш йўлини тутмок керакки, эскирмаган араз тезда йўқ бўлади. Араз эскирач, у энгил бўлса ҳам, муҳаббат қайта тикланиши қийинлашади, тикланганда ҳам аввалгидек бўлмайди: Байт:

Бир хато юз бергач тез уни тузат, Бўлмаса ўзгаси юз берар яна! Абулбарокот ҚОДИРИЙ

Дўст тутмок осон, риоя қилмоғи қийин, Душман бўлмок осон, ярашмоғи қийин. * * *

Икки турли кишига яқинлашма, узоқлаш, Ўша нарса жон баробарида ширин бўлади. Юсуф Хос ҲОЖИБ

Аччиқ сўз жунунлик белгиси, жунунлик эса хусумат белгиси, хусумат эса адоват келтириб чиқарувчидир. Душманлик мевасини берувчи дарактни экишдан нима фойда?! Шундай мақол бор: «Таъна ва итоб-уқубат ва азоб белгиси!» Байт:

Юрагингда муҳаббат бўлса, Ачтиб гапирма, кўнгил бузилар. Аксар вақт уланган дўстликнинг ипи, Таънадан бошланиб, сўнгра узилар! Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Дўстнинг шапалоғи душман ошидан яхши! «ОТАЛАР СЎЗИ»

Кимки меҳру аҳлдан бегонадур, Кўнгли ичра ошнолиғ бўйи йўқ. ОРАЗИЙ

Инсониятнинг етказадиган фойдаларидан ва одамийлик дастгоҳини зебу зийнат билан безатиб турадиган ёқимли сифатларидан бири бу зиёфат ва дўсту биродарларга меҳрибонлик кўрсатишдир. Бархурдор ибн МАҲМУД

ҲИКОЯТ. Ёшлиқ онларимда дадамдан: «Муҳаббат даъвосини қилиб, ака-укаликдан лоф урган кишиларнинг ўз сўзларида содиқ ва қалбан мустаҳкам эканликларини қандай билса бўлади?!» деб сўрадим. Дадам: «Ўз бахти ва ҳаётини сенга тақлиф қила олиши билан!» деб жавоб берди. Байт: Киши бўлса нафси кўйида гирён, Даъвои дўстлиги пуч ила ёлгон! Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, ҳалол етадиган йўлни тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар. Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Нодон дўстан ақлли душман яхши. Жонинга қасд қилган душманнинг доно бўлса, нодон дўстан минг қарра аъло! Нодон қилган ишининг барчаси зарар, Фойдаси бўлса ҳам эрур бесамад! Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Дўст жамоли дардни аритади. Дўстнинг ёмони шундайки, яхшилигини унутад, ёмонлигини эслаб юради. «ОТАЛАР СЎЗИ»

Ёз, фасли ёр васли, дўстларнинг суҳбати, Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти. Дўстларнинг суҳбатида нехуш ўлғай баҳси шеър, То билингай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати. БОБУР

ҲИКОЯТ. Уч нарса уч нарсада бўлмайди: дўстлик лақмада, шафқат серғазабда, ҳалоллик очқўзда! Байт:

Ҳазабни сўндириш, гапни кам қилиш, Яхши кишиларнинг эзгу хислати. Нафсингдан ҳазар қил имкон борича, Очқўзнинг дилида бўлмас ҳиммати! Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Дўстни хайдамок акадан ажралмокди! «ОТАЛАР СЎЗИ»

Аҳбобо, йигилмокни фароғат тутингиз, Жамиятингиз борини давлат тутингиз. БОБУР

ҲИКОЯТ. Бир оқил йигит ҳақида ҳикоят қилишларича, у дўстлари билан ҳаммаша улфат, улар билан доимо ҳамдамму ҳамсуҳбат экан. Йигит ўз дўстларидан меҳрибонлигини ҳеч вақт дариг тутмас экан. Тилида эса қўйидаги шеърни зикр қилгани-қилган экан:

Бугун қўлда бор экан йигитлики даврони, Ғайрат қил, оғримасин сендан ҳеч кимнинг жони! Яхшиликнинг баҳори доим бир хил турмайди, Бир кун нуқсон етару, пайдо бўлар ҳазони! Ширин хулқи тўфайли барча киши унинг хузуридан бандалик камарини боғлаб, хизматида ҳозирму нозир экан:

Гўзал юзларига агар чиройли хулқ бўлса ёр, Қайга қадам қўямасин, халқдир унга талабгор! ХУРРАМИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Танловлар ҚИЗЛАР—МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

МИЛЛАТ ДАВОМИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АЁЛ БУГУНГИ КУНДА НАФАҚАТ ОНА, СИНГИЛ, УЙ БЕКАСИ, БАЛКИ У ТАДБИРКОР, ЖАМОАТЧИ, ДАВЛАТ АРБОБИ, ЗУККО РАҲБАР БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА У МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ. ҲАР СОҲАДА ИЛГОРЛАР САФИДА БОРАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗГА ЎЗ ЎРНИДА КЎПЛАБ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛГАНЛИГИ БУГУНГИ КУНДА УЛАРНИ ЯНАДА ЗАФАРЛАР ҚУЧИШГА УНДАМОҚДА.

Қизларимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, олган билимларини кенгайтириш, уларнинг лобар, чевар, пазандою муносиб уй бекаси эканликларини синовдан ўтказиш мақсадида айни пайтда «Қизлар — миллат келажаги» мавзусида кўрик-танлов ўтказилмоқда. Ушбу танлов асосан уч босқичда ўтказилиб, Чилонзор туманидаги 126-мактабда бўлиб ўтган мусобақада унинг шаҳар босқичига энг зукко, ақлли, пазанда ва лобар қизлар танлаб олинди.

Таништирув, лидер аёллар ҳаёти ва фаолияти, қийинчи маданияти, пазандачилик каби бир нечта шартлар асосида беллашган қизлар орасида тумандаги 217-мактаб ўқувчиси Сарвиноз Абдуваидова голиб деб топилди ва унга «Туман маликаси» номи берилди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу кўрик-танловнинг шаҳар босқичида туманлардан голиб бўлган энг зукко қизлар беллашадилар. Орзуғул РУСТАМОВА

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2005 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРДАГИ «МЕВА-САБЗАВОТЛАР ВА УЗУМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШ, ТАВЖИД ҚАЙТА ИШЛАШ ҚОРХОНАЛАРИ ҚУВВАТИДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА» ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИ, ПОЙТАХТИКЛАР ДАСТУРХОНИ ТЎКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ВА БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ УЧУН УШБУ ҲУДУДДАН 141 ГЕКТАР ЕР АЖРАТИЛГАН ЭДИ.

Қарор ва ижро

ЮРТ ОБОДЛИГИ, ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўлкамиз узра баҳорнинг илиқ шабадаси эса бошлаган бугунги кунда ана шу ерларда экин майдонлари, захкаш ва сув йўллари тартибга келтирилмоқда. Чўлда ишловчилар учун бир қатор қўлайликлар яратилмоқда. Электр

энергияси тортилиб эрта баҳордан иш бошлаб мўл ҳосил олиш тадориги қўрилмоқда. — Қўшимча ишчи ўринлари яратиш билан бирга ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган аҳоли қатлами

ГАЗЕТАМИЗНИНГ БАЪЗИ МУҲЛИСЛАРИ ТАҲРИРИЯТИМИЗГА МУРОЖААТ ЭТИБ, СЕРГЕЛИ ТУМАНИ СИРФАЛИ НОМИДА ҲАМ КЎП ИШЛАТИЛИШИНИ, БУ АТАМАЛНИНГ ҚАЙСИ БИРИ ТЎҒРИЛИГИНИ ҲАМДА БУ НОМ НИМАНИ АНГЛАТИШИНИ СЎРАШГАН. БИЗ УШБУ МАСАЛАГА АНИҚЛИК КИРИТИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ТОПОНИМИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАСЪЎЛ КОТИБИ ЭРГАШ ИСМАТУЛЛАЕВГА МУРОЖААТ ЭТДИК.

Сўраган эдингиз СИРФАДИМИ ЁКИ СЕРГЕЛИ?

— Аввало, ушбу савол билан муурожаат этган «Тошкент оқшом» газетаси муҳлисларига миннатдорчилик билдирмокчиман, — дейди Э.Исмаилов биз билан суҳбатда. — Маълумки, қадимда туркий халқлар орасида уруғчилик ва қабилачилик мавжуд бўлган. Жумладан, олимлар ўзбек миллатига оид 92 уруғ номиларига аниқлик киритишган. Утган асрнинг бошларида она заминимизда зўравонлик билан шўро тузуми ўрнатилганидан сўнг, уруғ ва қабилла номилари юрдошларимиз онгидан деврли сиқиб чиқарилган. Холбуки, уруғ ва қабилалар орқали ота-боболаримиз қариндошлик ришталарини мустаҳкам улашган.

Тарихий маълумотларга қараганда, қадимда сергелиликлар Тошкент уездининг Еттикент, Оқжар, Занглюта, Қўшқўрган, Ниёзбек волостларида истиқомат қилишган. XIX ва XX аср бошларида Сергели уруғига мансуб аҳоли Қозилқурт, Қаржон, Чимёк тоғларининг этакларида, Бодом, Келес, Чирчик, Оқсоқота дарёлари воҳаларида яшаган. Дўғлот ва Уйшун қабиласига қардош ҳисобланган Сергели уруғи таркибига Бойжигит, Шалдар, Ботир, Жайдақ, Қайчили, Қоракунгирдақ, Оққунгирдақ, Қоработир, Тутамғали, Элибой, Жанабой, Айтбўзим каби 12 қабилла кирган. Уз навбатида ушбу қабилалар ҳам майда уруғ-чарларга бўлинган.

Ҳамини утмишда Тошкент яқинида Сергели қишлоғи бўлиб, унинг ўрнида 1967 йил Сергели тумани ташкил этилган. Қўришиб турибдики, Сергели тумани номи Сирфали эмас, Сергели деб ёзилмиш лозим.

«02»: ХОДИСАЛАР

• Мирзо Улуғбек туманида ваҳиёна котиллик содир этилди. Гап шундаки ушбу ҳудудда жойлашган автомобиль гаражлари ёнидан оёқ-қўллари ва боши танасидан жудо этилган эркак кишининг жасади топилган.

Зудлик билан етиб келган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тезкор тергов гуруҳининг олиб борган ишлари натижасида, ўлдирилган шахснинг Мирзо Улуғбек туманида яшаб келган, 50 ёшли М.Александр эканлиги маълум бўлди. Тезкор тергов гуруҳи ходимларининг қидирув ишлари ўз самарасини берди. Ушбу котилликнинг содир этган кимса, яъни бухоролик 20 ёшли, олий ўқув юртидан бирида таълим олаётган Жасур исмли йигит, қисқа вақт ичида аниқланиб, қўлга олинди. Ушбу ваҳий котилликни содир этишга бу йигитни нима мажбур қилган экан? Айнан шу саволга жавоб топиш мақсадида, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

• Юнусобод туманида жойлашган стоматология поликлиникасининг дераза панжарасини бузиб, унинг муолажа хонасидан турли хил тиш даволовчи ускуналарни ўғирлаб кетишган. Мутахассисларнинг аниқлашчи, ушбу анжом-ускуналарнинг қиймати 1.500 000 сўмни ташкил қилар экан. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида, ушбу ўғирликни содир қилган, олдин ҳам судланган 17 ёшли Сергей исмли шахс қўлга олинди. Иsobт сифатида унинг уйдан ўғирланган стоматологик ускуналар ҳам топилди. Сергейга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

• Сергели туманида кеч соат 23.00 чамаси, "Каркас" заводидаги дурадгорлик цехи эшигини бузиш йўли билан, у ердан 200 000 сўмлик "Поллар" русумли дурадгорлик дастгоҳини ўғирлаб кетишган. Сергели тумани ички ишлар бошқармаси тезкор ходимларининг олиб борган тезкор қидирув чора-тадбирлари натижасида, ҳеч қаерда ишламайдиган Валерий исмли шахс қўлга олинди. Унинг уйи қўздан кечирилганда далилий ашё ҳам топилди. Ҳозир унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

• Ҳамза туманида, олдин ҳам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган 20 ёшли Латиф исмли шахс қўлга олинди. У калит танлаш йўли билан фуқаро Аҳмедовнинг уйдан 120 000 сўмлик "Панасоник" видеомагнитофони, чарм куртканини ўғирлаб кетган. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

• Собир Раҳимов туманида жойлашган хонадонларнинг бирида ўғирлик содир бўлди. Уй эгаларининг йўқлигидан фойдаланган шахслар, у ердан фуқаро Хўжаевага тегишли бўлган 830 000 сўмлик турли уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб, хонадонни тарк этиб, кўчага чиқиб тезда кетишган вақтларида, шу ҳудудда хизмат олиб бораётган туман ички ишлар бошқармаси тезкор ходимларининг назарига тушиб шубҳа уйғотганлар. Зехни ўткир ходимларнинг назарида, ўзларини тутишида шубҳа уйғотган бу шахслар тўхтатилиб, ёнидаги сумкалари текширилганда, ичидан кимматбаҳо уй-рўзгор буюмлари топилди. Уларни милиция таянч пунктига олиб келиб сўроқ қилинганда, бу 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган, ҳеч қаерда ишламайдиган бешта қиз-жувонларнинг, бир хонадондан ўғирлик содир қилиб чиққани маълум бўлди. Ҳозирги вақтда ушбу аёлларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, яна бошқа жиноятларга алоқаси бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

• Учтепа туманида кеч соат 22.00лар чамаси, қурилаётган янги маъмурий бино олдига қаровсиз қолдирилган 1.000 000 сўмлик 16 дона бетон плиталар ўғирлаб кетилган. Қўрилган тезкор қидирув чора-тадбирлари натижасида, ҳеч қаерда ишламайдиган 23 ёшли Азиз исмли йигит қўлга олинди. Тергов жараёнида маълум бўлдики, Азиз ушбу бетон плиталарни таниш ўртоғига пуллаб юборган. Бетон плиталарнинг ўғирланганлигини эса ўртоғидан яширган. Айни вақтда Азизга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

• Сергели туманида, ҳеч қаерда ишламайдиган андижонлик Исамат, фарғоналик Акбар ҳамда Носир исмли шахслар, тошкентлик тадбиркор Бахтиёрнинг ишончига кириб "гўшт маҳсулотлари етказиб берамиз" деб алдаб, ундан 4.500 000 сўм пулни олиб, келишилган вақтда ваъда берилган молни етказиб беришмаган. Орадан ярим йил ўтгач, тадбиркор Бахтиёрнинг ички ишлар идораларига мурожаат қилиб, ёрдам сўрашдан бошқа чораси қолмаган. Ҳозирги вақтда "ваъдабоз" шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Юлдуз АШИРОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот хизмати катта инспектори, майор

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида рўйхатдан ўтган «Тайминоти А.С.» хусусий фирмаси тугатилди. Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Манзил: Юнусобод тумани, 14-квартал, 47-уй, 4-хонадон.

ТОКИОДА МАМЛАКАТИМИЗ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН «ЯНГИ ЙўНАЛИШЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ: УЧРАШУВ ЖОЙИ - ЎЗБЕКИСТОН» НОМЛИ СЕМИНАРИ БўЛИБ ЎТДИ.

Япония турагентликлари уюшмаси (JATA) ҳамда «Proco Air Service Inc.» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинар ишида Кунчиқар мамлакатининг 30 дан ортиқ сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этди.

Япония — саёҳат соҳасида йирик донор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Халқаро сайёҳлик ташкилотининг маълумотига қараганда, ҳар йили 20 миллиондан зиёд японлар турли саёҳатларга чиқишади ва хориждаги сафарлари давомида 30 млрд. АКШ долларини миқдоридида маблағни сарф қилишади. Сўнгги пайтларда япон сайёҳларининг оқими ошаётгани бизнинг мамлакатимизда ҳам кузатишмоқда.

«JATA»нинг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Эшинори Катагири ўз чиқишида тарихий обидалар ва меъморчилик санъати, Ўзбекистон табиат манзарасининг бетакрор гўзаллиги, улкан маданий мерос, Ўзбек халқининг урф-одатлари хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотишини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда Япониянинг 20 дан ортиқ сайёҳлик компаниялари Буюк Ипак йўли йўналишлари бўйлаб ўз хизматларини тақдир қилмоқдалар.

Фарзанд тарбияси: биз унутаятган жиҳатлар

Гўдақлигидаёқ НАМОЁН Бўлади

Меҳнат фахрийси, педагог М. Аҳмедова билан суҳбатлар

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА ФИКР ЮРИТИБ, ЎТГАН ГАЛГИ ИЛК СУҲБАТИМИЗДА ДУНЁНИ БИЛИШДА БОЛА ЭНГ АВВАЛО ТАБИИЙ ҚОБИЛЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ АЙТИБ ЎТГАНДИК. УМУМАН, ИНСОН АТРОФ - МУҲИТНИ, ЎЗИНИ ЎРАБ ТУРГАН ДУНЁНИ, ЖОНЛИ ВА ЖОНСIZ ТАБИАТ СИРЛАРИНИ ЎЗИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛАДИГАН КўПЛАБ ВА ХИЛМА-ХИЛ АҲБОРОТЛАР ОРҚАЛИ ИДРОК ЭТАДИ, ЎРГАНАДИ.

Бола ўсар экан, унинг билимлар доираси, уларни қабул қилиш, ўзлаштириш таъриба ва кўникмалари ортиб боради. Бунда ўзининг табиий қуроллари — сезги аъзолари асосий роль ўйнайди. Уларга қўриш, эшитиш, ушлаб қўриш орқали билиш усуллари кириши ҳақида умумий маълумот берилганди. Булардан бошқа воситалар ҳам бор, албатта.

Лекин биз фарзанднинг ҳар томонлама камол топишида муҳим аҳамият касб этувчи шу уч омил атрофидан мусохаба юритишни ўрнили деб биламиз. Асосий мақсаддан чалғиб кетмаслик учун ҳам шундай қилишни матлуб деб ўйлаймиз. Зеро, улар етакчи ва асосий ўрин тутаяди.

Демак, гўдақлик чоғидаёқ бола қўриш, эшитиш ва ушлаб қўриш орқали атроф-олам ҳақида тасаввурини шакллантиради. Албатта, у ўз ўрнида шу учала усул (восита)дан фойдаланишга ҳаракат қилади ва шу йўл билан ҳар бир нарса ҳақида қобилияти ва таърибасига яраша тўлиқроқ ахборот олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бир хил нарса, воқеа-ҳодиса ҳақида бир хил ёшдаги бир хил шароитда тарбияланаётган болаларнинг билим ва тасаввурлари турлича бўлишини ясли-боғча тарбиячилари ҳам, ўқитувчилар ҳам, кўпчилик ота-оналар ҳам яқин билишади. Ҳўш, нега шундай деган савол туғилиши табиий.

Буни содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, қўриш, эшитиш, ҳис этиш (ушлаб қўриш, қўл теккизиш) орқали билиш кўникмаси ва маҳорати (умуман барча инсонларда ҳам) ҳар хил бўлади. Шу аъзоларнинг туғма қобилияти, аввало, ирсият орқали ота-оналардан болаларга ўтган бўлади ва шу бошланғич қобилият олдинги авлод имкониятларига бевосита боғлиқдир (бу ҳақда яна ўз ўрнида кўп марта тўхталишимизга тўғри келади).

Яна шуниси ҳам борки, бола ахборотларни қабул қилишда ҳар учала усулдан бирдек фойдалана олмайдди. Чунки уларнинг ҳаммаси бир хилда мукаммал ишлайдиган инсон амалда бўлмайди. Улар турли даражада ривожланиб бўлиб, бола улардан ўзи учун энг қулайидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу ҳолатнинг ҳам ирсият қонуниятларига бориб тақалиши табиий ва бунинг ҳеч бир ҳавотирлик жойи йўқ.

Биз ўтган суҳбатимизда тилга олган Оклахома университетини олимилири билишнинг шу уч усули (воситаси)ни боланинг ташқи таъсирлардан ҳоли гўдақлик чоғини ўрганиб, улар инсоннинг табиий, яъни туғма хусусиятларидир, деган хулосага келишди. Бунга ота-оналар ўртасида ҳам, гўдақлар, кичик ёшдаги, мактаб ёшдаги болалар ўртасида ҳам ўтказилган узоқ илмий-амалий изланишлар, тадқиқотлар асос бўлган.

Масалан, жуда тез тили чиқадиغان, чақалқилгиданок «вижир-вижир» қиладиغان, ёки 2-3 ойлигиданок ётган жойидан бошини кўтаришга, у ёқ-бу ёнга ағдарилишга ҳаракат қиладиغان, мударатдан олдин ўтириб, эмаклаб, 9-10 ойлигиданок юришга ҳаракат қиладиغان ёхуд телевизорни «берилиб» томоша қиладиغان чақалоқларни ҳар бири-

Шу кунги уй йиғиштирилмас экан, кечасига деразаларни ёпиб қўйиларкан ҳамда олдинги кунги тайёрланган таомлар истеъмол қилинаркан. Кўчат ўтказиб бўлмайди. Ўғри ва фарибгарлардан ҳимояланиш керак бўлади. Шунингдек, сафарлар учун бугунги кун хосиятсиз, пул муомаласи омадсиз бўлиши қутилади.

Бутун оила билан яшилаб дам олиш бугун жуда фойдали: шаҳар ташқарисига саёҳат, спорт мусобақаларида баҳоли-қудрат қатнашиш, энг яқин кишиларингизни тақдир қилиб, хонаки байрам уюштириш ҳамма ташвишларни унуттишга ёрдам беради.

Уран ва Юпитернинг ўзаро ижобий таъсир векторлари ўтган йилнинг декабрида юзага келган муаммоларни бартафат этиш имконини яратаяди. Бу имкониятдан, албатта

ЯПОНИЯ ТУРКОМПАНИЯЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН САРИ

лар сонининг ошишида энг муҳим омил бўлиб келгани таъкидланди. Янги Тошкент — Самарқанд йўналишидаги қулай ва тезкор поезд қатнови ҳам японияликларнинг эътиборидан четда қолмади.

«Proco Air Service Inc.» компанияси ижрочи директори Тошиака Касахара айни дамда Япония бозорига республика сайёҳлик салоҳиятини фаоллаштириш вақти келганини қайт этди.

Айни чоғда япон туроператорлари Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасининг ривожланиш жараёнини диққат-эътибор билан кузатишмоқдалар. Мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, охириги йилларда «Ўзбектуризм» миллий компанияси ишлари фаоллашди, меҳмонхоналар сони анчага ошди, хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди. Энг асосийси бошқа давлатлар-

дан холи ўлароқ, Ўзбекистонда япон тили пухта эгаллаган таржимон-гидлар етарли миқдорда, деди Т.Касахара «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот чоғида. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз ўзбекистонлик касбдошларимиз билан ҳамкорликда республикага сафар қилидиган сайёҳлар сонини ошириш учун барча имкониятларни ишга соламиз. Жорий йилнинг апрель ойида япон туркомпаниялари вакилларидан иборат на-вбатдаги гуруҳнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакатининг сайёҳлик соҳасидаги мавжуд имконият ва шарт-шароитлар билан янада яқиндан танишмоқчимиз.

Ақмал КўҶОҚОРОВ,
«Жаҳон» АА
Токио

СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБА ЁШЛАРИ ТОМОНИДАН ТУЗИЛГАН «ЖАЙҲУН» ФОЛЬКЛОР-ЭТНОГРАФИК ЖАМОАСИ ЎЗИНИНГ «КўҲНА СУРХОН САДОЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЖАМОАТ ДАСТУРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТДИ.

Тадбирлар

«КўҲНА СУРХОН САДОЛАРИ»

«Жайҳун» фольклор-этнографик жамоаси 2004 йилда икtidорли талабалар томонидан ташкил топган эди. Шу йили «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшиқ байрамидан республика кўрик-танловига рағбатлантирувчи ўринни эгаллаган, шунингдек, 2005 йил «Ҳазина — 2005» фольклор санъати Республика фестивалида «Тадбиркор рақбар» ва «Олий даражали жамоа» номинациялари ғолиби бўлган. Ҳозирда жамоада 40 дан ортиқ талаба-ёшлар ижод этишмоқда.

Кўзи охижлар жамияти санъат саройида ўтказилган ушбу концерт дастурида талабалар фольклор жамоаси томонидан миллий чолғу асбоблари — сибизга, чанқовуз, дўмбарада ижро этилган куй-кўшиқ ва рақслардан янгилашган баҳраманд бўлишди. ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети

1-босқич талабаси Нодира Орифқўжаева концерт дастуридан олган илиқ таасуротлари билан ўртоқлаша туриб, шундай деди:

— Университетимизда бу каби тадбирлар ва концерт дастуриларнинг тез-тез ўтказилиши барча талабаларни миллий кўшиқларимиз, чолғу асбобларимиз, урф-одатларимиз, ўлмас ижодимиз билан яқиндан таништиришга хизмат қилади. Фольклор жамоасининг концерт дастури ўзгача таассурот қолдирди. Истардимки, нафақат Сурхон воҳасидан, балки Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Наманган вилоятларидан ҳам шу каби фольклор жамоалари келиб, ўз концерт дастуриларидан баҳраманд этишса миллий санъатимиз ҳақида янада кўпроқ билимга эга бўлар эдик.

Ирода ХАЙРИДДИНОВА

Кўл жанги

БИРИНЧИЛИК ҒОЛИБЛАРИ МАЪЛУМ Бўлди

УЧ КУН ДАВОМИДА «ДИНАМО» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИНИНГ СПОРТ ЗАЛИДАН МУҲЛИСУ МУТАХАССИСЛАРНИНГ ОЛҚИШЛАРИ ЯНРАБ ТУРДИ. ЗЕРО, БУ ЕРДА 11 ВА УНДАН ЁШ 150 НАФАР БОЛАЖОНЛАР ҚўЛ ЖАНГИ БўЙИЧА РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ ҒОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАШ УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРИШДИ.

Беллашувлар 24, 27, 30, 33, 36, 39, 42 ва 42 килограмдан ортиқ вазн тоифаларида ўтказилди. Болалар ёш бўлишларига қарамастан бор куч-маҳоратларини, ўзлаштирган энг чиройли усулларини қўрсатишга ҳаракат қилишди. Албатта, барча вазн тоифаларида энг кучлилар хурмат шохсупасининг тўридан жой олишди. Яъни Р.Қувондиқов, А.Абдуллаев, А.Йўлчиев, М.Турғунов, А.Ҳакимов, Ж.Пўлатов, С.Шодмонов ва С.Умаровлар республика биринчилигининг ғолиблари бўлишди. Таъкидлаш жоизки, мусобақанинг энг ёш катнашчиси — 7 ёшли Қарши шаҳри вакили Хожмажор Умурзоқов ҳам учрашувларни чиройли ва ҳужумкор руҳда ўтказиб, мухлислар эътиборига сазовор бўлди.

Турнирнинг барча ғолиб ва совриндорларига медаллар ва дипломлар топширилди. Айниқса, Наманган, Жиззах ва қаршилик ёш спортчилар муваффақиятли иштирок этишганини таъкидлаб ўтиш ўринли.

СУРАТДА: мусобақадан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

Футбол

ДАДИМ ҚАДАМ

ИОРДАНИЯДА 19 ЁШГАЧА БўЛГАН ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Ушбу мусобақаларда катнашиш бахтига муяссар бўлган Ўзбекистон терма жамоаси айтиш жоизки, аjoyиб ўйинлари билан мутахассислар мухлислар қўлини шод этди. Иорданиялик тенгдошлари билан биринчи учрашувда 2:2 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этган ўзбекистонлик қизлар Сингапур терма жимоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учрата олдилар. Энди Осий чемпионати фи-

нал босқичига бериладиган йўлланма тақдири Иордания—Сингапур терма жамоалари учрашувидан натижага боғлиқ. Агар ушбу бахсда иорданияликлар йирик ҳисобда ғалаба қозона олсаларгина кўта биринчилигига қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Акс ҳолда ўзбекистонликларга ушбу йўлланма насиб этади.

Ақбар ЙўЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ҲАМФИКРЛАР КУНИ

16 МАРТ, ПАЙШАНБА
БҲҮГҮН КҮН ЧИҚАР-ЧИҚМАС ТУРИШИ ТАВСИЯ ЭТИШАДИ МУНАЖЖИМЛАР. КҮН ҲАМФИКР ДўСТЛАР УЛФАТИ УЧУН, МУҲИМ ҲУҶЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ЎҚИШ ВА ТОАТ-ИБОДАТ УЧУН ХАЙРИЛИ ҲИСОБЛАНАДИ. ТИЛГА ЭҲТИЁТ БўЛИШ КЕРАК. ЧУНКИ ҲАР ҚАНДАЙ ЁҚИМСИЗ СўЗ ЖАНЖАЛ ЧИҚИШИГА, БИР-БИРИДАН КўНГҲЛ ҚОЛИШИГА ОЛИБ КЕЛИШИ МҲМКИН.

Тинкани қурилтадиган ишлардан ўзингизни тийганингиз маъқул. Бугун ижод билан шуғулланувчилар ҳамда гайритабиий инсонлар учун жуда самарали кун бўлади. Уйда ёлғиз қолиб, ўй-хаёлларга ва тушкунликларга берилиш тавсия этилмайди. Бугун аломатларга эътибор қилинг: мабодо, устингизга парранда пати тўшса ёки

Тинкани қурилтадиган ишлардан ўзингизни тийганингиз маъқул. Бугун ижод билан шуғулланувчилар ҳамда гайритабиий инсонлар учун жуда самарали кун бўлади. Уйда ёлғиз қолиб, ўй-хаёлларга ва тушкунликларга берилиш тавсия этилмайди. Бугун аломатларга эътибор қилинг: мабодо, устингизга парранда пати тўшса ёки

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4147 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбоат акциядорлик компанияси босмохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1234 6